

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ ВА  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.I.15.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮСУПОВ МУХИДДИН СОАТОВИЧ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА  
СОЛИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Ихтисослик: 08.00.02 – Макроиқтисодиёт**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2018 йил**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Content of the Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)  
on Economical Sciences**

**Юсупов Мухиддин Соатович**

Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишнинг  
иқтисодий механизмларини такомиллаштириш..... 3

**Юсупов Мухиддин Соатович**

Совершенствование экономических механизмов государственного  
регулирования сельского хозяйства..... 25

**Yusupov Mukhiddin Soatovich**

Improvement of economic mechanisms of state regulation of  
agriculture..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 51

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ ВА  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.I.15.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮСУПОВ МУХИДДИН СОАТОВИЧ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА  
СОЛИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Ихтисослик: 08.00.02 – Макроиқтисодиёт**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2018 йил**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Iqt196 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.bfa.uz](http://www.bfa.uz)) ва «Ziynet» Ахборот-таълим портали ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) манзилларида жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Салимов Бахтиёр Таджиевич**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Абдурахмонов Қаландар Ходжаевич**  
иқтисодиёт фанлари доктори, академик

**Умаров Сухроб Рустамович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:** Тошкент давлат аграр университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.15.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 237-53-25, факс: (99871) 237-54-01, e-mail: [info@bfa.uz](mailto:info@bfa.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 237-53-25, факс: (99871) 237-54-01, e-mail: [info@bfa.uz](mailto:info@bfa.uz).

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кун тарқатилди.

(2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**А.Ш. Бекмуродов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**У.В. Гафуров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби,  
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

**Н.М. Махмудов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт  
фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш ва модернизациялашга имкон яратувчи шарт-шароитлар ичида тармоқни давлат томонидан тартибга солиш масалалари муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда жаҳон миқёсида қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият қаратилиб, бу мақсадларга йирик маблағлар сарфланмоқда. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD) маълумотларига кўра, 2015 йилда аграр секторни бевосита қўллаб-қувватлашга Хитой Халқ Республикасида 307,4, Европа Иттифоқи мамлакатларида 90,0, АҚШда 38,8, Японияда 33,5, Жанубий Кореяда 20,1, Россия Федерациясида 15,2 ва Туркияда 11,6 млрд. АҚШ долл. эквивалентида маблағлар йўналтирилган<sup>1</sup>.

Жаҳонда қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган «Барқарор ривожланиш мақсадлари» доирасидаги 17 та глобал вазифалардан бири сифатида «Очликка барҳам бериш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, овқатланишни яхшилаш ва қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишига кўмаклашиш», қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлашга қўйиладиган талабларни сарик, яшил ва мовий саватларга туркумлаган ҳолда тизимлаштириш ҳамда унинг мумкин бўлган максимал даражаси ва аниқлаш услугиётини ишлаб чиқиш, аграр секторни бюджет-солиқ, молия-кредит ва нарх каби макроиқтисодий механизмлар орқали тартибга солиш тизимини такомиллаштириш йўналишларида илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш борасида давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш харажатларини имтиёзли кредитлаш, техника воситаларини имтиёзли лизинг асосида етказиб бериш, унумдорлиги паст ерларда пахта хомашёси етиштирувчи фермер хўжаликларида давлат бюджетидан молиявий кўмак ажратиш, ирригация тизимларини сақлаш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларини давлат бюджетидан бевосита молиялаштириш тадбирларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бироқ қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашнинг бозор тамойилларига мос келувчи иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича ҳал этилиши лозим бўлган масалалар мавжуд бўлиб, бу йўналишда тадқиқотлар олиб бориш муҳим ҳисобланади. Шунга кўра, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида илғор хорижий давлатларнинг тажрибасига таянган ҳолда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш, аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш даражасини ошириш ва

<sup>1</sup> [www.oecd.org/agriculture/pse](http://www.oecd.org/agriculture/pse).

уларнинг нархлари барқарорлигини сақлаш, пахта хомашёси етиштиришни молиялаштириш тизимида бозор механизмларини жорий этиш каби бир қатор вазифаларни амалга ошириш белгилаб берилган<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони билан тасдиқланган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-2460-сонли «2016-2020 йиллар даврида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мос келади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Иқтисодий давлат томонидан тартибга солишнинг назарий-услубий асосларини тадқиқ этишга оид илмий изланишлар қатор хорижлик ва миллий иқтисодчи олимлар, жумладан, А.Смит, Ж.М.Кейнс, П.А.Самуэльсон, В.Д.Нордхаус, Г.Н.Менкью, Н.А.Платонова, В.И.Видяпин, В.Г.Князев, В.А.Попов, Ҳ.П.Абулқосимов, О.Я.Ҳамроев<sup>3</sup> ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Аграр секторни давлат томонидан тартибга солиш соҳасига муносиб ҳисса қўшган МДҲ мамлакатлари иқтисодчи олимлари қаторига В.И.Братцев, Р.С.Габдуалиева, А.З.Закиров, Р.М.Котов, Р.Н.Крастелев, А.Г.Папцов, С.Ю.Петрова<sup>4</sup> ва бошқаларни киритиш мумкин.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон. – [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

<sup>3</sup> Adam Smith. An inquiry into the nature and causes of the wealth of nations. Published in USA by Oxford university press. 1993; Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. [www.socioline.ru/files/5/316/keyns.pdf](http://www.socioline.ru/files/5/316/keyns.pdf); Самуэльсон, Пол Э., Нордхаус Вильям Д. Макроэкономика, 18-е издание: пер. с англ. – М.: ООО «ИД Вильямс», 2009. – с. 585; N. Gregory Mankiw. Macroeconomics. Seventh edition. New York: World publishers, 2010. P. 578; Платонова Н.А. и др. Государственное регулирование национальной экономики. Учебное пособие. – М.: Альфа-М, Инфра-М, 2008. – с. 563; Видяпин В.И., Князев В.Г., Попов В.А. Государственное регулирование рыночной экономики. Учебник. – М.: Экономическая литература, 2002. – с. 590; Абулқосимов Ҳ.П., Ҳамроев О.Я. Иқтисодий давлат томонидан тартибга солиш. Ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисод-молия, 2014. – 304 б.

<sup>4</sup> Братцев В.И. Государственное регулирование сельскохозяйственного производства с использованием системы налогообложения. //Автореф. дисс. на соискание ученой степени д.э.н. Специальность 08.00.05 – Экономика и управление народным хозяйством, 08.00.10 – Финансы, денежное обращение и кредит. Москва-2012; Габдуалиева Р.С. Экономический механизм государственного регулирования развития сельского хозяйства Республики Казахстан (вопросы теории, методологии и практики) // Автореф. дисс. на соискание учёной степени д.э.н. Специальность 08.00.05 – Экономика и управление народным хозяйством и 08.00.14 - Мировая экономика. Москва - 2007; Закиров А.З. Проблемы реформирования и государственного регулирования аграрного сектора Кыргызстана. // Автореф. дисс. на соискание учёной степени д.э.н. Специальность 08.00.05 – Экономика и управление народным хозяйством. Бишкек-2009; Котов Р.М. Государственная поддержка сельского хозяйства на региональном уровне. Монография. – Кемерово:

Мамлакатимизда нархлар шаклланишини давлат томонидан тартибга солишнинг назарий-методологик асослари С.А.Воронин, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни давлат томонидан тартибга солиш У.В.Гафуров, Ўзбекистон аграр секторини ривожлантириш истиқболлари Ф.Назарова, аграр сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари Д.Н.Саидова, И.Б.Рустамова, Ш.А.Турсунов, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашда хорижий мамлакатлар тажрибаларини ўрганиш Ч.Муродов, Х.Я.Саатова, Д.Н.Ильина, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш масалалари Б.Т.Салимов<sup>5</sup> ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган. Шу билан бир қаторда, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмлари тизимли ёндашган ҳолда тўлиқ ўрганиб чиқилмаган.

**Диссертация мавзусининг тадқиқот олиб борилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида «Бозор иқтисодиёти, давлат ва ҳуқуқ назарияси» йўналишидаги ОТ-Ф7-125 «Бозор иқтисодиёти шароитида фермер хўжаликларини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш» мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишнинг назарий-услубий асосларини ўрганиш ва муайян яхлит тизимга келтириш;

---

ИИО Кемеровского ГСХИ, 2012. – с. 27. [www.agrobuy.ru/publications](http://www.agrobuy.ru/publications); Крастелев Р.Н. Приоритетные направления государственного регулирования сельского хозяйства на современном этапе аграрной реформы. /Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук 08.00.05 – экономика и управление народным хозяйством (экономика, организация и управление предприятиями, отраслями, комплексами: АПК и сельское хозяйство). – Волгоград, 2012; Папцов А.Г. Государственное регулирование сельского хозяйства: современные тенденции и перспективы. // 08.00.05 – Экономика и управление народным хозяйством. Специальность 08.00.14. Автореф. дисс. на соискание учёной степени д.э.н. – Москва, 1998; Петрова С.Ю. Совершенствование системы государственного регулирования сельского хозяйства. //08.00.05 – Экономика и управление народным хозяйством. Автореф. дисс. на соискание учёной степени к.э.н. – Княгинино, 2013.

<sup>5</sup> Воронин С.А. Государственное регулирование ценообразования в условиях повышения конкурентоспособности национальной экономики // 08.00.03 – Макроэкономика. Автореф. дисс. на соискание учёной степени д.э.н. – Ташкент, 2010; Гафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш // 08.00.08 – Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти, 08.00.01 – Иқтисодиёт назарияси ихтисосликлари бўйича и.ф.д. дисс. автореферати. – Тошкент, 2017. – 97 б.; Назарова Ф. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида Ўзбекистон аграр секторини ривожлантириш истиқболлари // 08.00.03 – «Макроиктисодиёт (Агросаноат мажмуаси)» ихтисослиги бўйича и.ф.д. дисс. автореферати. ЎзБИИТИ: 2001. – 54 б.; Саидова Д.Н., Рустамова И.Б., Турсунов Ш.А. Аграр сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. – Т.: «ЎЗР Фанлар академияси Асосий кутубхонаси» нашриёти, 2016. – 260 б.; Муродов Ч., Саатова Х.Я., Ильина Д.Н. Государственная поддержка аграрного сектора: зарубежный опыт и предложения для Узбекистана. Аналитический обзор. Институт прогнозирования и макроэкономических исследований, 2013; Салимов; Б.Т., Юсупов М.С. Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш. Монография, –Т.: Иқтисодиёт, 2011. – 220 б.

ривожланган хорижий мамлакатларнинг қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш борасидаги илғор тажрибаларини Ўзбекистон Республикаси шароитига мослаштириб қўллаш имкониятларига баҳо бериш;

қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш даражасини баҳолаш методикасини такомиллаштириш;

қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишнинг амалдаги иқтисодий механизмлари ва тармоқни молиявий қўллаб-қувватлашнинг ҳозирги ҳолатини комплекс ҳамда тизимли ёндашган ҳолда таҳлил қилиш;

қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш юзасидан илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалиги тармоғи танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигини макроиқтисодий механизмлар орқали тартибга солиш борасидаги иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда абстракт-мантикий мушоҳада, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, норматив ва позитив таҳлил, кўп омилли корелляцион эконометрик таҳлил, қиёсий ва тизимли таҳлил, иқтисодий-статистик ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорларининг конъюнктуравий ва нархлар тебранишларини (волотилигини) барқарорлаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг минимал даромад олишларини таъминлаш мақсадида максимал ва минимал нархлардан фойдаланиб, давлат харид ва товар интервенцияларини амалга ошириш тавсия этилган;

истеъмол бозорларини гўшт маҳсулотлари билан тўлдириш ва улар нархларининг барқарорлигини сақлаш мақсадида экин майдонлари таркибини диверсификациялаш ва чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлашга оид таклифлар ишлаб чиқилган;

давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш харажатларини молиялаштиришда «имтиёзли кредитлаш» ўрнига «фьючерс битимлари»дан фойдаланиш бўйича тавсиялар илгари сурилган;

қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича дастурий мақсад ва вазифалари, қуйи дастурлари, асосий тадбирлар турлари ва муддатлари, молиялаштириш ҳажми ва манбалари, кўзда тутилган натижалар ҳамда иқтисодий самарадорликни баҳолаш индикаторларини ўзида мужассамлаштирган паспорт орқали пухта асосланган ўрта ва узоқ муддатли мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш таклиф қилинган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш иқтисодий механизмларининг таркибий элементлари тизимлаштирилган;

қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш даражаси ва самарадорлигини баҳолаш бўйича макроиқтисодий кўрсаткичларнинг Ўзбекистон шароитига мослаштирилган тизими ишлаб чиқилган;



кўп омилли корелляцион эконометрик моделни қўллаш орқали турли омилларнинг қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ўсишига таъсири баҳоланган ва прогнози ишлаб чиқилган;

аграр ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник-технологик жиҳозлашни жадаллаштиришга оид тавсиялар ишлаб чиқилган;

суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва томчилатиб суғоришни жорий этишга инвестиция ҳамда кредитлар жалб этишни такомиллаштиришга оид тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Олинган натижаларнинг ишончлилиги** тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг статистик маълумотларидан олингани, шунингдек, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтгани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган назарий ва амалий аҳамиятга эга тавсиялардан қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш йўналишида илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ундаги асосий натижаларнинг қишлоқ хўжалигини тартибга солувчи давлат органлари томонидан тармокни ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар ва мақсадли давлат дастурлари ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

максимал ва минимал нархлардан фойдаланиб, давлат харид ва товар интервенцияларини амалга ошириш бўйича тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан озиқ-овқат бозорларида нархлар ҳамда талаб ва таклиф мувозанатини тартибга солиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишда амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг 2018 йил 31 январдаги ММ-3-2/20-34-сонли маълумотномаси). Бу тавсияларни амалиётда қўллаш озиқ-овқат бозорларида тақчиллик ёки ортиқча маҳсулот кириши натижасида юзага келадиган нархлар тебранишини барқарорлаштириш ҳамда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш имконини берди;

экин майдонлари таркибини диверсификациялаш ва чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлашга оид тавсиялар ҳукумат ишчи гуруҳи томонидан истеъмол бозорларини гўшт маҳсулотлари билан тўлдириш ва уларнинг нархлари ошишига йўл қўймаслик бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишда амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг 2018 йил 31 январдаги ММ-3-2/20-34-сонли маълумотномаси). Бу тавсиялар истеъмол бозорларини гўшт маҳсулотлари

билан барқарор таъминлаш ва нархларнинг барқарорлигини сақлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш имконини яратди;

давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш харажатларини молиялаштиришда «имтиёзли кредитлаш» ўрнига «фьючерс битимлари»дан фойдаланиш бўйича тавсиялари «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури»нинг 119-бандини шакллантиришда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг 2018 йил 31 январдаги ММ-3-2/20-34-сонли маълумотномаси). Бу пахта хомашёси етиштириш харажатларини молиялаштиришда бозор механизмларини жорий этиш ва фермер хўжаликларининг моддий манфаатдорлигини ошириш имконини яратди;

қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган давлат дастурларини амалга ошириш бўйича тавсиялари «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури»нинг 116-бандини шакллантиришда амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг 2018 йил 31 январдаги ММ-3-2/20-34-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида қишлоқ хўжалигини ўрта ва узоқ муддатда комплекс ривожлантириш бўйича концепция ва давлат дастурини шакллантиришни такомиллаштириш имкони яратилди;

тадқиқотнинг айрим натижаларидан бакалаврият таълим босқичининг «Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалиги)» йўналиши ўқув жараёнига жорий этилган «Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини бошқариш» ўқув қўлланмасини яратишда фойдаланилган (28.02.2008 й.; №1646). Мазкур илмий натижалардан ўқув қўлланмада фойдаланиш қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишнинг мазмуни ва ўзига хос хусусиятларини ёритиб беришга хизмат қилди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертациянинг асосий илмий ва амалий натижалари 4 та халқаро ва 4 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган ва маъқулланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация иши мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш, жумладан 1 та монография, 1 та ўқув қўлланма, 13 та илмий мақола (10 та республика ва 3 та хорижий журналларда) чоп этилган бўлиб, уларнинг 7 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда эълон этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 151 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш қисмида** мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети асосланган, олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг синовдан ўтиши ёритиб берилган, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишнинг назарий асослари»** деб номланган биринчи бобида қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишнинг назарий ва илмий-услубий асослари: моҳияти, ўзига хос хусусиятлари ва зарурати очиб берилган; шакллари, усуллари, механизмлари, дастаклари ва асосий йўналишлари асосланиб, муайян бир тизимга солинган; қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга оид жаҳон тажрибаси ўрганилган, уларни Ўзбекистон шароитларига мослаштириб қўллаш имкониятларига баҳо берилган.

«Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмлари» тушунчасининг иқтисодий категория сифатида илмий талқинига оид турли илмий ёндашувларни ўрганиш ва умумлаштириш асосида тадқиқотчи томонидан бу тушунчага оид муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган ва тавсия этилган: «Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмлари аграр секторда хўжалик юретишнинг умумиқтисодий қонуниятлари ҳамда давлатнинг аграр сиёсати таъсирида шаклланадиган механизмлари бўлиб, субъектларнинг иқтисодий манфаатлари тизимига таъсир кўрсатиш орқали улар фаолиятини давлат ва жамият манфаатларига мос ҳолда тартибга солиш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашни назарда тутди».

Тадқиқотда асосланганидек, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш механизмлари тизимида бюджет-солиқ (фискаль), пул-кредит (монетар), таркибий-инвестиция, нарх ва давлат харидлари, прогнозлаштириш, индикатив режалаштириш, мақсадли дастурлаш каби иқтисодий механизмлар самарали ҳисобланади. Тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиқиб, диссертацияда қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишнинг мақсади, вазифалари, тамойиллари, объекти, предмети, шакллари, усуллари, механизмлари, дастаклари ва устувор йўналишларини ўз ичига олган тизимли таркиби ишлаб чиқилган (1-жадвал).

Диссертантнинг фикрича, қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ ҳудудларини барқарор ривожлантириш учун биринчи навбатда давлат харажатларини ошириш ва бюджет-солиқ сиёсатининг мультипликатив самарасидан (фискал экспансиядан) максимал фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Тармоқни бюджетдан бевосита молиялаштиришга давлат харажатларининг оширилиши, унумдорлиги паст ерларда маҳсулот ишлаб чиқаришни бюджетдан субсидиялаш ва бюджет орқали қўллаб-қувватлашнинг бошқа шакллари қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти қийматининг ўсиши ва тармоқ ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

## Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш иқтисодий механизмлари тизимининг таркибий элементлари

Асосий тушунчалар	Асосий тушунчалар мазмуни	Мазмуни
1	2	3
<b>Зарурати</b>	Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишни тақозо қиладиган объектив шарт-шароитлар	Тармоқнинг табиий-иқлим ва об-ҳавога кучли боғлиқлиги натижасида таваккалчилик-ка ўта мойиллиги; экин майдонлари шўрланиш даражасининг юқорилиги; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг тез бузилувчанлигидан узоқ вақт сақлаш ва олис масофаларга ташиш имкониятлари чекланганлиги; қишлоқ хўжалиги ва унга туташ тармоқлар нархлари ўртасидаги йирик диспаратет мавжудлиги; қишлоқ хўжалигига моддий-техника таъминоти, хизмат кўрсатувчи ва қайта ишловчи тармоқларнинг монопол мавқега эгалиги; тармоқда капиталнинг секин айланиши; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талабнинг ноэластиклиги; ишлаб чиқариш рентабеллигининг пастлигидан тармоқнинг инвесторлар ва тадбиркор учун кам жозибадорлиги ва ҳ.к.
<b>Мақсади</b>	Тармоқни давлат томонидан тартибга солишнинг бош мезони	Қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ ҳудудларини барқарор ривожлантириш орқали мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш ҳамда қишлоқ аҳолисининг даромадлари ва турмуш фаровонлигини ошириш.
<b>Вазифалари</b>	Тармоқни тартибга солиш борасида асосий фаолият турлари	Меъёрий-ҳуқуқий тартибга солиш; бошқариш; мувофиқлаштириш; мониторинг ва назорат этиш; ахборот-таҳлил; мақсадга йўналтириш; хусусий мулк ва тадбиркорлик ҳуқуқини ҳимоялаш ва кафолатлаш; адолатли рақобатни муҳофаза қилиш ва монополистик фаолиятни чеклаш; тақсимлаш; барқарорлаштириш; қўллаб-қувватлаш; рағбатлантириш; протекционизм; прогнозлаштириш, мақсадли дастурлаш, индикатив режалаштириш ва ҳ.к.
<b>Тамойил-лари</b>	Тармоқни тартибга солиш борасидаги асосий қоидалар	Илмий англаб етиш; мақсаднинг ягоналиги; тенглик; адолатлилик; тизимлилик; ихтиёрийлик; табақалашган ёндашув; самарадорлик; рағбатлантирувчи йўналиш; кафолатланганлик; нархлар паритетини сақлаш; аграр протекционизм ва ҳ.к.
<b>Объектлари</b>	Давлат ҳокимияти таъсири йўналтирилган муносабатлар	Иқтисодий муносабатлар тизими; аграр секторнинг мулкый, ҳудудий, тармоқ, ишлаб чиқариш ва технологик таркиби; хўжалик юритиш тизими; қишлоқ ҳудудлари, инфратузилмалар ва ҳ.к.
<b>Субъект-лари</b>	Давлат ҳокимияти таъсири йўналтирилган шахслар	Иқтисодий манфаатларни ташувчилар, ифодаловчилар ва амалга оширувчилар, яъни давлат органлари, юридик шахслар (қишлоқ хўжалиги корхоналари, фермер хўжаликлари ва бошқ.), жисмоний шахслар (деҳқон хўжаликлари, аҳолининг шахсий томорқа хўжалиги), уларнинг гуруҳлари (уюшмалар, бирлашмалар ва ҳ.к.).

1	2	3
<b>Шакллари</b>	Давлат томонидан бошқариш объекти ва субъектига таъсир кўрсатиш даражаси	<p>1. <b>Бевосита</b> – давлат бошқаруви органлари қарорлари асосида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатиш усуллари йиғиндиси.</p> <p>2. <b>Билвосита</b> – давлатнинг иқтисодий сиёсатига мос ҳолда хўжалик субъектларининг иқтисодий манфаатларига таъсир кўрсатишга йўналтирувчи усуллар йиғиндиси.</p>
<b>Механизм-лари</b>	Давлат томонидан кишлоқ хўжалигини тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган аграр сиёсатни амалга ошириш учун қўлланиладиган турли дастаклар (регуляторлар) йиғиндиси	<p>1. <b>Бюджет-солиқ (фискал) механизмлари</b> – бевосита бюджетдан молиялаштириш ва субсидиялаш, давлат харид ва товар интервенцияларини амалга ошириш, қафолатланган нархларнинг минимал ва максимал чегараларини белгилаш, солиқ ставкалари ва солиққа тортишнинг имтиёзли механизмларини қўллаш орқали аграр секторни давлат томонидан тартибга солишни назарда тутди.</p> <p>2. <b>Пул-кредит (монетар) механизмлари</b> – пул массасини тартибга солиш, қайта молиялаштириш ставкасини белгилаш, аграр сектор учун кредитлаш шартлари ва фоиз ставкаларини белгилаш орқали тартибга солиш воситаларини ўз ичига олади.</p> <p>3. <b>Таркибий-инвестицион механизмлар</b> – аграр ишлаб чиқаришнинг мулкый, ҳудудий, тармоқ ва технологик таркибини оптималлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялашга ички ва ташқи инвестициялар жалб этишни рағбатлантиришга йўналтирувчи дастаклари йиғиндисини ифодалайди.</p> <p>4. Тармоқни ўрта ва узоқ муддатда ривожлантиришни давлат томонидан <b>мақсадли дастурлаш, прогнозлаштириш ва индикатив режалаштириш.</b></p>
<b>Дастаклари (регуляторлари)</b>	Тартибга солиш объекти ва субъектига таъсир қилиш механизмларини ҳаракатга келтириш воситалари	Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар; стандартлар; квоталар; тарифлар; меъёрлар; санкциялар; давлат бюджети; инвестиция; капитал қўйилмалар; молиявий қўллаб-қувватлаш; субсидия; имтиёз; дотация; кредит; қайта молиялаш ставкаси; фоиз ставкаси; лизинг; давлат буюртмаси; давлат харид ва товар интервенциялари; нарх; максимал ва минимал нарх; солиқ; солиқ ставкаси; иш ҳақи; индикатив режалаштириш; мақсадли дастурлаш; прогноз ва ҳ.к.
<b>Устувор йўналиш-лари</b>	Тармоқни давлат томонидан тартибга солишнинг жамият ва миллий манфаатлар нуқтаи назаридан энг муҳим йўналишлари	Хусусий мулк ҳуқуқи ва тадбиркорлик эркинлигини қафолатлаш; бозорнинг очиқлиги ва адолатли рақобатни муҳофаза қилиш; монопол ҳокимиятни чеклаш; озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш; фермер ва дехқон хўжаликларининг даромадлари ва нархлар барқарорлигини қўллаб-қувватлаш; ишлаб чиқариш таркибини оптималлаштириш ва ресурсларни самарали тақсимлаш; бюджет орқали қўллаб-қувватлаш; имтиёзли солиққа тортиш; имтиёзли кредитлаш; инвестициялар жалб этишни рағбатлантириш; ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник жиҳозлашни қўллаб-қувватлаш; аграр сектор ва бошқа тармоқлар ўртасида товар айирбошлашда паритетни сақлаш; инфратузилма, илмий тадқиқот, ахборот-маслаҳат таъминоти ва ҳ.к.

Манба: тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Диссертацияда қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишнинг бюджет-солиқ (фискаль), пул-кредит (монетар), таркибий-инвестиция, нарх ва давлат харидлари, прогнозлаштириш, индикатив режалаштириш, мақсадли дастурлаш каби иқтисодий механизмларини шакллантиришнинг концептуал модели ишлаб чиқилган (1-расм).

Европа Иттифоқи давлатлари (ЕИ), АҚШ, Хитой ва Россия Федерацияси каби хорижий мамлакатларда қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимига асос солинган ва бунга йирик маблағлар сарфланади. Масалан, фермер хўжаликларини бевосита қўллаб-қувватлашга давлат бюджетидан сарфланган маблағларнинг улар ялпи даромадига нисбати (Producer Support Estimate (PSE)) Швецарияда 62,39, Норвегияда 62,03, Исландияда 56,32, Жанубий Кореяда 48,93, Японияда 43,07, Туркияда 19,82, Европа Иттифоқи мамлакатларида ўртача 18,92 %ни ташкил этади<sup>6</sup>.

Тадқиқотда ривожланган мамлакатларнинг қўйидаги илғор тажрибаларини республикамиз шароитига мослаштириб қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган:


**а) аграр секторда нархлар ва фермерлар даромадини қўллаб-қувватлаш механизмлари:** мураккаб табиий иқлим шароитига эга фермер хўжаликларига субсидия ажратиш; конъюнктуравий тебранишларда бозор мувозанати ва нархлар барқарорлигини сақлаш учун давлат харид ва товар интервенцияларини амалга ошириш; минимал кафолатланган нархларни қўллаш; аграр сектор ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари ўртасида товар айирбошлашда нархлар паритетини сақлаш; фермерларга маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига боғланган ёки боғланмаган (бир гектар экин майдони ёки чорва моллари бош сонига нисб.) бевосита тўловлар тўлаш;

**б) аграр секторни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг бюджет-солиқ ва пул-кредит механизмлари:** соддалаштирилган ва имтиёзли солиққа тортиш механизмини қўллаш; инвестицион кредитлар учун фоиз тўловларининг 50 %гача қисмини тижорат банкларига бюджетдан қоплаб бериш; асосий капитални шакллантиришга киритиладиган инвестицион харажатларнинг 20 %гача қисмини фермерларга бюджетдан қоплаб бериш; экинлар ва чорва моллари касалликлари, зараркунанда ва табиий офатлардан зарарларнинг бир қисмини бюджетдан қоплаб бериш; суғурта тўловларининг 50 %гача қисмини бюджетдан суғурта ташкилотларига қоплаб бериш;

**в) қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ худудларини барқарор ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш механизмлари:** қишлоқ худудларида инфратузилмаларни ривожлантиришга қўмаклашиш; илғор тажрибалар, инновацион технологияларни жорий этишга қаратилган илмий тадқиқотлар, тренинг ва маслаҳат хизматлари кўрсатишни бюджетдан молиявий қўллаб-қувватлаш; ишлаб чиқаришга сифат стандартларини жорий этиш ва муқобил энергия турларини қўллашни рағбатлантириш; атроф-муҳит, тупроқ ва табиий яйловлар унумдорлигини сақлаш, экин турларини диверсификациялаш дастурларини «Яшиллик тўловлари» орқали қўллаб-қувватлаш; органик деҳқончилик юритишни рағбатлантириш.

---

<sup>6</sup> [www.oecd.org/agriculture/pse](http://www.oecd.org/agriculture/pse).



**1-расм. Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий механизмлари тизимини шакллантиришнинг концептуал модели**

Манба: тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Диссертантнинг фикрича, ривожланган хорижий мамлакатларнинг тажрибаларини маҳаллий шарт-шароитлар ва тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда қўллаш республикамиз аграр секторининг барқарор суръат билан ривожланишига кўмак беради.

Тадқиқот ишининг «**Республикада қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишнинг ҳозирги ҳолати ва амалдаги иқтисодий механизмлари таҳлили**» деб номланган иккинчи бобида қишлоқ хўжалигининг ривожланиш динамикаси ва самарадорлиги тизимли ёндашилган ҳолда чуқур таҳлил қилинган.

Диссертацияда қишлоқ хўжалигининг ривожланишига турли омилларнинг 2000-2016 йиллар бўйича таъсирини аниқлаш мақсадида кўп омилли чизикли эконометрик моделдан фойдаланилган. Моделга киритилган омиллар: натижавий омил - 2016 йил нархларида ҳисобланган қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ( $Y$ ), млрд. сўмда; унга таъсир этувчи омиллар сифатида: қишлоқ хўжалиги экинлари майдони, минг га ( $X_1$ ), қишлоқ хўжалигида асосий капиталга киритилган инвестициялар, млрд. сўмда ( $X_2$ ), тармоқда банд аҳоли сони, минг кишида ( $X_3$ ), қишлоқ хўжалигининг асосий фондлари қиймати, млрд. сўмда ( $X_4$ ), экин майдонларига минерал ўғит солиш миқдори, минг тоннада ( $X_5$ ), қишлоқ хўжалигига сарфланган сув миқдори, млн. м<sup>3</sup> да ( $X_6$ ).

Мазкур моделга кўра, унга киритилган омиллар таъсирида натижавий омил ҳисобланган қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ( $Y$ ) ўртача ўсиш қийматлари аниқланган:

$$y = 39662,6759 + 2,6723x_1 + 4,1361x_2 - 11,2902x_3 + 1,5466x_4 - 2,7368x_5 + 0,074x_6 \quad (1)$$

(3,222)    (0,788)    (2,039)    (-4,093)    (8,338)    (-0,424)    (1,214)

Бунда:  $R^2 = 0,9945$ , текисланган  $R^2 = 0,9911$  га тенг. Демак, натижавий омил моделга киритилган омиллар билан етарлича зич алоқада. Яъни қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти қийматининг ўзгариши 99,45 % моделга киритилган омилларга, қолган 0,55 %и эса ҳисобга олинмаган омиллар таъсирига боғлиқ экан.


Моделнинг ўрганилаётган жараёнга мослиги ва статистик аҳамиятлилигини аниқловчи Фишернинг  $F$ -мезонини ҳисобланган қиймати  $F_{ҳисоб} = 299,61$ , жадвал қиймати  $F_{жадвал} = 4,74$  га тенг.  $F_{ҳисоб} > F_{жадвал}$  бўлиб, модель шартини қаноатлантиради.

Корелляция коэффицентларининг ишончлилигини аниқловчи Стьюдентнинг  $t$ -мезонининг жадвал қиймати  $t_{жадвал} = 1,28$  га тенг. Қаралаётган моделда қишлоқ хўжалиги экин майдонлари ҳажми ( $X_1$ ), асосий капиталга киритилган инвестициялар ( $X_2$ ) ва асосий фондлари қиймати ( $X_4$ ) омиллари юқоридаги мезонни қаноатлантиради.

Натижавий омилнинг қолдиқларидаги автокорреляцияни текширувчи Дарбин-Уотсон мезони қиймати  $DW_{мезони} = 2,72$  га тенг (меъёр бўйича 2 атрофида). Бу эса натижавий омил қолдиқларида автокорреляция мавжуд эмаслигини кўрсатади. Мазкур кўрсаткичлар моделда олинган барча натижалар адекват эканлиги ва ишончлилигини тасдиқлайди.



Диссертацияда келтирилган модель (1) асосида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ва унга таъсир кўрсатувчи омиллар сарфининг 2000-2016 йиллардаги қийматлари асосида вақт бўйича тренд моделлардан фойдаланиб, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти қийматининг 2017-2021 йиллар бўйича ўсиш прогнози ишлаб чиқилган (2-расм).



**2-расм. Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти қийматининг динамикаси ва прогнози (2016 й. нархларида, млрд. сўм)**

Прогноз асосида шу нарса аниқланганки, агар 2000-2016 йилларда моделга киритилган омиллар ўзгаришининг тренди сақланиб қолса, 2021 йилга бориб, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти қиймати 53 864,0 млрд. сўмгача етиши мумкин.

Республикада амалда бўлган статистик ва молиявий ҳисоботларда қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш даражасини баҳоловчи кўрсаткичлар мавжуд эмас. Шу туфайли бундай кўрсаткичлар тизимини (индикаторларни) ишлаб чиқиш ва қўллаш мақсадга мувофиқ.

Жаҳон амалиётида қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш даражасини баҳолаш учун асосан Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) ҳамда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) методикасидан фойдаланилади. Аммо ҳисоботлар юритишдаги турлича ёндашувлар туфайли бу кўрсаткичларни Ўзбекистон Республикасида тўғридан-тўғри қўллашнинг имкони йўқ. Шундан келиб чиқиб, ЖСТ ва ИХТТ услубиётига таянган ҳолда диссертант томонидан қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш даражасини баҳолашга имкон берувчи кўрсаткичларнинг Ўзбекистон шароитларига мослаштирилган тизими ишлаб чиқилган ва қўллашга тавсия этилган (2-жадвал).

Диссертацияда тавсия этилган кўрсаткичлар тизимидан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг амалдаги ҳолати комплекс таҳлил қилинган.

**Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш даражасини баҳоловчи кўрсаткичлар (индикаторлар) тизими**

<b>Қўллаб-қувватлаш кўрсаткичлари (индикаторлари)</b>	<b>Ҳисоблаш методикаси</b>
Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг абсолют қиймати, млн. сўм	$BAM_{КХ}$ – давлат бюджетидан қишлоқ хўжалигига ажратилган жами маблағлар қиймати йиғиндиси
<b>Давлат бюджетидан қишлоқ хўжалигига ажратилган жами маблағлар қийматининг:</b>	
мамлакат ялпи ички маҳсулотига (ЯИМ) нисбатан салмоғи, %да	$ҚҚД_{ЯИМ} = BAM_{КХ} / ЯИМ \times 100$ Бу ерда: $ҚҚД_{ЯИМ}$ – мамлакат ЯИМга нисбатан қўллаб-қувватлаш даражаси; $ЯИМ$ – ялпи ички маҳсулот қиймати
қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотига нисбатан салмоғи, %да	$ҚҚД_{КХЯМ} = BAM_{КХ} / ҚХЯМ \times 100$ Бу ерда: $ҚҚД_{КХЯМ}$ – қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти қийматига нисбатан қўллаб-қувватлаш даражаси; $ҚХЯМ$ – қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти қиймати
давлат бюджетининг мақсадли фондларсиз жами харажатларига нисбатан салмоғи, %да	$ҚҚД_{ДБЖХ} = BAM_{КХ} / ДБЖХ \times 100$ Бу ерда: $ҚҚД_{ДБЖХ}$ – давлат бюджетининг мақсадли фондларсиз жами харажатларига нисбатан қўллаб-қувватлаш даражаси; $ДБЖХ$ – давлат бюджетининг мақсадли фондларсиз жами харажатлари қиймати
давлат бюджетининг иқтисодиётга харажатлар қисмига нисбатан салмоғи, %да	$ҚҚД_{ДБИХ} = BAM_{КХ} / ДБИХ \times 100$ Бу ерда: $ҚҚД_{ДБИХ}$ – давлат бюджетининг иқтисодиётга харажатлар қисмига нисбатан қўллаб-қувватлаш даражаси; $ДБИХ$ – давлат бюджетининг иқтисодиётга харажатлари қиймати
бир гектар қишлоқ хўжалиги экин майдонига <sup>1)</sup> нисбатан қиймати, минг сўм/га	$ҚҚД_{ЭМ} = BAM_{КХ} / ЭМ_{КХ}$ Бу ерда: $ҚҚД_{ЭМ}$ – экин майдонларига нисбатан қўллаб-қувватлаш даражаси; $ЭМ_{КХ}$ – қишлоқ хўжалиги экинлари майдони
қишлоқ хўжалигида банд бўлган бир ходимга нисбатан қиймати, минг сўм/киши	$ҚҚД_{БХ} = BAM_{КХ} / БХ_{КХ}$ Бу ерда: $ҚҚД_{БХ}$ – банд ходимлар сонига нисбатан қўллаб-қувватлаш даражаси; $БХ_{КХ}$ – аграр тармоқда банд ходимлар сони
Қишлоқ хўжалигида давлат бюджети маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги ( $C_{ДБМФ}$ ), сўм/сўм	$C_{ДБМФ} = ҚХЯМ / BAM_{КХ}$ Бу ерда: $ҚХЯМ$ – қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти қиймати.
Қишлоқ хўжалигига асосий капиталга киритилган жами инвестицияларда марказлашган давлат инвестициялари салмоғи ( $МДИС_{КХ}$ ), %	$МДИС_{КХ} = МДИ_{КХ} / ЖИК_{КХ} \times 100$ Бу ерда: $МДИ_{КХ}$ – қишлоқ хўжалигига асосий капиталга киритилган марказлашган давлат инвестициялари қиймати; $ЖИК_{КХ}$ – барча манбалардан қишлоқ хўжалигига асосий капиталга киритилган жами инвестициялар қиймати.

<sup>1)</sup> экин майдонига ҳосил берадиган мевазор ва токзорлар ҳам киритилган.

Манба: тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Гарчи 2005-2016 йилларда давлат бюджетининг «Иқтисодиётга харажатлар» қисмидан қишлоқ хўжалигига йўналтирилган маблағлар жорий нархларда 380,4 млрд. сўмдан 720,3 млрд. сўмгача ошган бўлса-да (ўсиш 189,3 %), бу маблағларнинг мамлакат ЯИМга нисбатан салмоғи 2,4 дан 1,5 %гача, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотига нисбатан 6,4 дан 6,2 %гача, давлат бюджетининг мақсадли фондларсиз жами харажатларига нисбатан 11,1 дан 7,2 %гача қисқарган (3-жадвал). Тармоқни барқарор ривожлантириш учун бюджетдан бевосита қўллаб-қувватлаш ҳажмини ошириш, шунингдек, имтиёз ва преференциялар шаклидаги билвосита қўллаб-қувватлаш механизмларини кенгайтириш мақсадга мувофиқ, деган хулосага келинган.

Кейинги йилларда республика озиқ-овқат бозорларида гўшт маҳсулотлари нархининг кескин ошиши кузатилди. Диссертацияда истеъмол бозорларини гўшт маҳсулотлари билан тўлдириш ва улар нархларининг барқарорлигини сақлаш учун қуйидаги тадбирларни қўллаш тавсия этилган:

